Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 108 (5399).
14 МАЙ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

14 май куни Тошкентда халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинари иш бошлади. Семинар иштирокчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари асосида республикадаги маҳаллий Советларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини муҳокама қиладилар.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи билан очди.

(ЎзТАГ).

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

— Факт ва шарҳ —

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро кинофестивалига тайёргарлик бўйича шаҳар штаби йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги кинотеатрларни бўлажак кинофестивалга тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди. Бу борадаги ишлар умуман олганда белгиланган муддатларда ва яхши сифат билан амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Барча белгиланган режаларни ado этиш бўйича қўшимча тадбирлар белгиланди.

Фестиваль фильмлари Тошкентдаги 11 кинотеатрда намойиш этилади. Санъат саройи, «Чайка», «Ташсовет 50 йиллиги», ёзги «Фестиваль», «Нукус», Лисунов номли, «Восток», «Москва», «Қозогистон», «Дружба», шунингдек, бу йил биринчи марта фестиваль ленталари намойиш этиладиган кенг экранли «Ватан» кинотеатри шулар жумласидандир. «Ватан» ва «Москва» кинотеатрларида фестиваль муносабати билан барча замонавий талабларга жавоб берувчи энг янги кенг экранли «КПК — 30» кинопроекция аппарати ўрнатилди. Бошқа кинотеатрларда ҳам аппаратлар намунали ҳолга келтирилди. Ҳозирги пайтда уларда ремонт ва жиҳозлаш ишлари тугалланмоқда, реклама стендлари, фотокўргазмалар, панолар ўрнатилмоқда.

Томошабинлар кинотеатрлар олдида ва унга кираверишда «Қардош иттифоқдош республикалар оиласида», «Уч қитъа киносанъати», «СССР — жаҳоннинг буюк кино мамлакати» сингари бир қатор кўргазмалар билан танишадилар.

Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун кинофестиваль кунларида бевосита шаҳар майдонларида ҳам фильмлар намойиш этилади. Бу кўрсатувлар репертуарига қардош иттифоқдош республикаларнинг энг яхши бадиий ва ҳужжатли ленталари киритилган. Бу очиқ майдондаги ўзига хос фестиваль В. И. Ленин номидаги майдонда бошланади ва пойтахтнинг бошқа йирик майдонларида давом эттирилади.

Томошабинлар учун ҳозирги пайтда фестиваль фильмлари намойиш этиладиган барча кинотеатрларга ташкилотлар орқали абонементлар тарқатилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир конкрет сеанс учун одатдагидек билетлар сотилади.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА





• *Пойтахт қурилишларида*

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИБ

Республикамиз пойтахтининг қурувчилари шаҳарнинг барча меҳнаткашлари қатори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга интилмоқдалар. Улкан зафарларни қўлга киритиш учун эса бугун кечагидан, эртага бугунгидан самарали рақ меҳнат қилиш лозим. Электр пайвандчи З. Муҳамедовнинг «Главташкентстр о й »нинг 7-қурилиш бошқармасида ишлаётганига олти йил бўлди. Ҳозир тажрибали ишчи барча операцияларни юксак сифат билан бажарибгина қолмай смена топшириқларини мунтазам 20—30 процент ортиғи билан адо этмоқда. Ўтган йили социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун у мусобақа ғолиби деб топилди. «Главташкентстрой»нинг минглаб қурувчилари ана шундай зарбдорларча меҳнат қилишяпти. Бошқарма бўлинмаларининг раҳбарлари, инженер-техник ходимларн бунёдкорларнинг юқори унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Главташкентстрой» 6-трести 7-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи Л. П. Тимаев ва бош инженери Н. И. Сидоров; электр пайвандчи З. Маҳмудов.

Т. Каримов фотолари.

ЗАРБДОР ТИНЧЛИК ВАХТАЛАРИ

Тошкентдаги «Мелиса» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларида смена ишини олдидан бошланиши олдидан машҳур «Руслар урушни истайдиларми» кўшиғининг сўзлари янгради. Бу қўшиқ тинчлик вахтасида туришга тайёргарлик кўраётган корхонанинг илғғор ходимлари кайфиятини кўтарди.

Ф. Ҳўжаев бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси коллективи иш кунини қисқача митинг билан бошлади.

— Ер юзидаги барча соф виждонли кишилар сингари биз ҳам қуролланиш пойгасини қучайтираётган, инсоният ядро фалокати гирдобига тортаётган америкалик милитаристларга лаънатлар ўқийпмиз, — деди тўдувчи, «Ҳурмат белгиси» ордени нишондори М. Қодирова. — Биз Хиросима ва Нагасаки фожиаси бундан буён ҳеч қачон такрорланмаслигини истаймиз ва зарбдор меҳнатимиз билан тинчлик ишини мустаҳкамлашга ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Биз ядро уруши хавфига қарши актив ҳаракат қилиш ойлиги кунларида Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган Александр Марченконн ўз бригадамиз составига киритдик ва унинг учун қўшимча норма бажаришга қарор қилдик. Ишлаб топилган пулни Совет тинчлик фондига ўтказиб турамиз.

Иш куни бошланиши олдидан бошқа цехларда ҳам бўлиб ўтган йиғилиш ва митингларда Ленин партияси билан Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини астойдил маъқуллаган сўзлар янгради. «Ўзим учун ва ўша йигит учун» шиори остида ўтган тинчлик меҳнат вахтасида бирлашманинг барча меҳнатчиларн қатнашдилар.

Намангандаги бадиий буюмлар фабрикасида, Олмалиқдаги руҳ заводида ва республикадаги қўпгина бошқа корхоналарда ҳам ойлик доирасида урушга қарши йиғилишлар, тинчлик ва дўстлик вахталари ўтказилди. Ишлаб топилган маблағ Тинчлик фондига ўтказилди.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг Паркентда қурилган филиали муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Филиал бир йилда 10,5 миллион метр хом сурп ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Қурилишнинг прогрессив методларидан, меҳнат унумдорлигини оширишнинг кўплаб резерваларидан фойдаланиш асосида шу муваффақиятга эришиш. «Ташкентводстрой» трестининг ҳамда республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ёрдамида пудрат ташкилотларининг ишчилари кўшима график асосида икки смена бўлиб, меҳнат қилишди. Бу эса объект қурилиши муддатини қарийб икки баравар қисқартиришга имкон берди. Корхонада 420 та замонавий тўқимачилик станоги монтаж қилинди. Бу станоклар юксак унумдорлиги билангина фарқ қилиб қолмайди. Станокларнинг асосий афзаллиги шундаки, улар шовқинсиз ишлайди.

Янги корхона раҳбарлари шу техникани бошқарадиган кадрларни олдиндан тайёрлаб қўйишди. Қишлоқ мактабларини битириб чиққан ёшлардан икки юз киши Тошкент тўқимачилик комбинатида тўқувчи касбини эгаллади. Энди улар тўқувчилик сирларини қўшни колхозлардан филиалга келган ўртоқларига ўргатадилар.

(ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙГА — ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН

«Главташкентстрой»нинг 3-трестига қарашли 16-қурилиш бош қармасида Ю. Ҳакимов бошлиқ комплексласган бригаданинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки коллектив бригада пудрати методи асосида ишлаб, кувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Бу бригада ҳакимовчилар доимо беллашувда карвон бошлар қаторидан жой оляпти.

Бригада куни кеча Оҳангарон шоссеси ёқасида яна бир тўқ қиз қаватли, 81 квартирали уйни қўлдан чиқарди. Улар бу уйни тез ва соз қуришга эришдилар.

— Янги уйни тиклашда бригаданинг пайвандчиси Рифкат Басиров, дурадгор Владимир Сивчев ва бошқалар ҳақиқий меҳнат намунасини кўрсатди,— дейди етакчи Юлай Ҳакимов. — Эндиликда бутун куч ва имкониятларимизни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қаратмоқдамиз. Ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бу шонли санага қадар ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йиллик планини бажаришга аҳд қилдик.

М. ФЕЛЬДМАН.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

БУГУН

Тошкентдаги бадиий керамика комбинатининг қўли гул усталари шаҳримизда қад кўтараётган метрополитен навбатдаги линиясининг «Ойбек» станциясида безаклаш ишларини тугатишди.

МЕТРО СТАНЦИЯСИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Рассомлардан Озод Хабибуллин ва Маҳмуд Мамажоновнинг станцияга кираверишда даҳлизларни машҳур ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида бадиий безакли манзара кошинларини деворга қадашди. Унда Тошкентнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасидаги қиёфаси тасвирланган.

Бундан ташқари станциянинг вестибюллари ва платформалари бўйлаб 200 квадрат метр ҳажмида ўзбек миллий нақшлари туширилган бадиий сопол плиталар ҳам деворга қадаб бўлинди.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ МАРТА

«Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозирги кунда 200 хилдан ортиқ харидоргир буюмлар тайёрланмоқда. Корхона коллективи республика юбилейи йилида салкам 17 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

БУГУН

бирлашмада янги маҳсулот — гўшт ва туҳум ташишга мўлжалланган пластмасса қутиларнинг дастлабки тажриба намунаси ишлаб чиқарила бошланди. Маҳсулот ташишга жуда ҳам қулай ушбу қутилар республикамиз миқёсида биринчи марта тайёрланмоқда. Юбилей йилида мазкур корхонада ўн хилдан кўп янги буюмлар оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилади.

СТУДЕНТЛАРНИНГ ДЕҲҚОНЛАРГА ЁРДАМИ

Тошкент автомобиль йўл институтининг студентлари Ильич район идаги «Правда» совхозида янги йўллар ётқизиш лойиҳасини хўжалик меҳнаткашларига тошширдилар. Бу лойиҳа совхознинг барча бўлимлари ва участкаларини бир-бири билан боғлайдиган ички хўжалик магистраллари қурилишининг иккинчи навбатидан иборатдир. Бундан аввал студентларнинг лойиҳаларига биноан йўл қуриш ва ундан фойдаланиш идорасининг ишчилари совхознинг тўрт та бўлимидан ўтган 8 километрлик асфальт йўл қуришган эди. Ички йўлларнинг янги лойиҳаси 11 километрлик асфальт йўлни туташтиришга имкон беради.

Бўлғуси автомобилчилар, совхоз деҳқонлари ва чорвадорлар бир-бирлари билан амалий алоқа боғлашди. Бўлтур студентлар меҳнат семестри чоғида хўжаликда иккита типовой дала шийпони қуриб бергандилар. Бу йил улар навбатдаги ёзги каникул арафасида ўз лойиҳаларига биноан яна тўртта шундай объект қуришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

ШАҲАР ХОТИРАСИ

САМАРҚАНД, 12 май (ЎзТАГ). Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ўқиганлигидан далолат берувчи бронза ёдгорлик лавҳаси шу университет биносига ўрнатилди. Барельефли ёдгорлик лавҳасини самарқандлик ҳайкалтарошлар Н. Банзеладзе ва В. Дегтярев, архитектор А. Гемежи ишлаган.

Ёдгорлик лавҳасини очишга бағишлаб бугун бўлиб ўтган тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Ш. Р. РАШИДОВ ХОТИРАСИ

САМАРҚАНД, 12 май (ЎзТАГ). Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович Рашидовнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ўқиганлигидан далолат берувчи бронза ёдгорлик лавҳаси шу университет биносига ўрнатилди. Барельефли ёдгорлик лавҳасини самарқандлик ҳайкалтарошлар Н. Банзеладзе ва В. Дегтярев, архитектор А. Гемежи ишлаган.

Ёдгорлик лавҳасини очишга бағишлаб бугун бўлиб ўтган тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича си София Ўзбекистонда бўлдилар.

Испания қироли Хуан Карлос I 13 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси О. У. Салимов ҳузурида бўлди. Суҳбат вақтида олий мартабали меҳмонга халқ ҳокимияти йиллари мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон эришган ютуқлар тўғрисида, республика меҳнатчиларининг тинчлик учун курашдаги иштироки ҳақида гапириб берилди.

Испания қироли Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича си София Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, шаҳарнинг янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин номидаги СССР халқлар дўстлиги саройини бориб кўрдилар, метрополитен линияси поездида юрдилар.

Испания қироли ва қироличаси шарафига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан нонушта зиёфат берилди.

Испания қироли ва қироличасининг сафарида ҳамроҳлик қилаётган Испания расмий кишилари, шунингдек Испаниянинг СССРдаги элчиси Х. Л. Ксифра улар билан бирга бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. П. Калин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Ю. Е. Фокин, СССРнинг Испаниядаги элчиси Ю. В. Дубинин ҳам меҳмонларга ҳамроҳлик қилдилар.

Қирол Хуан Карлос I ва қиролича София Самарқандга бориб, қадимий шаҳарнинг архитектура ёдгорликлари ва янги қурилиш районлари билан танишдилар.

Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича София ҳамда мамлакат бўйлаб сафарда уларга ҳамроҳлик қилган кишилар шу куниёқ Самарқандан Ленинградга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Флоракис кеча КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих бошчилигидаги КПСС делегацияси билан учрашди. Делегация Умумгреция социалистик ҳаракат партияси съездида иштирок этиш учун Грецияда меҳмон бўлиб турибди. Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

● «Болалар учун товарлар» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУГУН Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми бўлади. «КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми якунлари ва Пленум қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан шаҳар партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар» ҳақидаги масала кун тартибига қўйилган.

(Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида ёритилади).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий сессия бўлиб ўтди. Унда бир қатор таниқли ўзбек олимлари Абдулла Қодирийнинг баракали ва мазмунли ижоди ва унинг қардош халқлар адабиётига таъсири сингари мавзуларда докладлар қилдилар.

●

Республика Алоқа министрлигига қарашли 2-ремонт қурилиш бошқармаси қошида ташкил этилган Асрор Мухторов бошлиқ ганч ўймакорлари бригадаси Тошкентдаги 84-алоқа бўлими биносида ганч ўймакорлиги ишига киришди.

●

«Жилстрой» трестига қарашли 40-қурилиш бошқармасининг Ўрин Эшёзов бошлиқ бригадаси Беруний проспектида беш қаватли олтмиш квартирали уй қурилишида графикдан ярим ой илгарилаб кетди. Бригада тўрт йиллик планни Республика юбилейигача бажаради.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 18 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 9—11, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлади.

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг ўнинчи сессияси 1984 йил 24 май куни чақирилсин.

2. Шаҳар Совети сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган хулосалар ва қоидаларни амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида.

— КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш чоралари тўғрисида.

— «СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисида» СССР Қонуни талаблари асосида шаҳар Совети депутатларининг ўз депутатлик ваколатларини бажаришлари юзасидан ахборотлари.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси

В. КОЗИМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети секретари

М. МАРТЬЯНОВА.

● Санъат янгилиги

ТЕАТР САФАРГА ЧИҚДИ

БУГУН

республика қўғирчоқ театри ижодий коллективи Бухоро области бўйлаб гастроль сафарига жўнаб кетди. Артистлар Бухоро ва Когон шаҳарларида бўладилар.

Улар ёш томошабинларга М. Халилнинг «Чавандоз қиз», Чили шоири Пабло Неруда асари асосида ишланган «Хоакин Мурьетенинг юлдузи ва ўлими», Л. Хаитнинг «Мен ва сиз» асарларини кўрсатишади. Спектакллар маданият саройлари ва уйларида, кинотеатрларда ва очиқ майдонларда кўрсатилади. Бундан ташқари Газли шаҳрида намойиш этиладиган спектакллардан йиғиладиган маблағ зилзиладан зарар кўрган шу шаҳар фондига ёрдам тариқасида ўтказилади.

Ўн кун давом этадиган гастроль чоғида 50 га яқин спектакль кўрсатилиши мўлжалланган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ — СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК ҚАЛҚОНИ

Бундан 29 йил муқаддам қардош социалистик давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи — Варшава Шартномаси Ташкилоти тузилган эди.

Социализмни империалистик тажовузлардан ҳимоя қилиш, агрессив НАТО блокининг Совет Иттифоқига, қардош социалистик мамлакатларига нисбатан солаётган ҳарбий хавфига қарши туриш, тинчликни сақлаб қолиш Варшава Шартномаси олдига қўйилган олижаноб вазифалар эди. Шуларнинг ўзи Варшава Шартномасининг тамомила мудофаа характерига эга эканлигини кўрсатиб турибди. Мана 29 йилдирки, Варшава Шартномаси Ташкилоти ушбу муқаддас вазифани шараф билан адо этиб келмоқда ва Европада тинчлик, халқаро хавфсизлик мустаҳкамланишининг энг муҳим омили бўлиб турибди.

Маълумки, АҚШ империализми бошлиқ дунёнинг барча реакцион кучлари иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ Совет Иттифоқига, унинг қардош социалистик ҳамдўстликдаги иттифоқчиларига қарши уруш планларини туза бошладилар, НАТО ва бошқа агрессив ҳарбий-сиёсий блоклар тузилди, социализмга қарши психологик ва «совуқ муносабатлар уруши» авж олдирилди юборилди. Вашингтон расмий доираларининг юргизган хатарли ва хавфли сиёсати Европани қайтадан қуролланишга олиб келди. НАТОнинг «Ядро режалаштириш гуруҳи» ташкил этилиб, Европада ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. НАТОдаги урушқоқ генераллар эса ҳарбий васвасани кучайтириб, халқларни XX асрнинг энг катта ёлғони ҳисобланган «совет ҳарбий хавфи» билан чўчита бошладилар. Уларга ушбу бўҳтон ўзларининг тинчликка, инсониятга қарши жиноий ишларини оқлаш учун, милитаристик йўлларини маъқуллатиб олиш учун керак бўлиб қолди. НАТОга аъзо бўлган давлатлар ҳарбий ҳаражатларининг тинмай ўсиб бориши, Европа ва жаҳон жамоатчилигининг кескин норозилигига қарамай Ғарбий Европага Америка янги ядровий ракеталарининг келтирилиши ана шу мудҳиш сиёсатнинг кўриниишларидир.

Сўзсиз, Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар ана шу шароитда социализм ва тинчликни ҳимоя қилишлари, ўз мамлакатлари мудофаасини етарли даражада таъминлашлари лозим эди. Ана шу тариқа Варшава Шартномаси Ташкилоти тузилди, зарур мудофаа чоралари кўрилди.

Европа халқлари ва жаҳон жамоатчилиги НАТО блокининг агрессив характерини ва Варшава Шартномасининг эса фақат мудофаа мақсадида тузилганлигини яхши биладилар.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик давлатлар Европа ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш, халқаро вазиятни соғломлаштириш, уруш хавфини камайтириш учун астойдил курашмоқда, тинчлик учун бўлган ҳаракатнинг энг олдинги сафларида бормоқда.

Бугун 29 йиллиги кенг нишонланаётган Варшава Шартномаси Ташкилоти ҳам социализм, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқони вазифасини ўтамоқда.

Талъат СОЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. М. КУЛЕШОВга «ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг совет ва молия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг бўлим мудири ўртоқ Владимир Митрофанович **Кулешов**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 11 май.

• *КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми материалларини ўрганувчиларга ёрдам*

ПАРТИЯ ИШИ—БУТУН ХАЛҚ ИШИ

Барча совет кишилари сингари республика пойтахтининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси материалларини зўр эътибор ва қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Уларда давримизнинг долзарб проблемалари ва масалаларига аниқ-равшан жавоб топмоқдалар. Республикада 18 майда бўлиб ўтадиган ягона сиёсий кун мавзуи партия Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг якунларини ўрганишга бағишланади. Унда республика ва унинг пойтахти меҳнат коллективларида сайланган партия органларининг аъзолари, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбар ходимлари сўзга чиқадилар. Ягона сиёсий кун мобайнида меҳнаткашларнинг саволларига жавоблар берилади. Бу савалларда илгари сурилган кўпгина муҳим проблемалар кейинчалик партия ва жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг маъмуриятлари иш планларида ўз аксини топади. Меҳнат коллективларидаги суҳбатлар чоғида фойдаланиш мумкин бўлган тезис материални тавсия қиламиз.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари совет халқи учун кенг ҳаракат программаси бўлиб қолди. Улар партия ташкилотлари, меҳнат коллективларини она-Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашга, социалистик демократияни эса такомиллаштиришга ва янги жамият бунёдкорларининг муносиб ўринбосарларини тарбиялашга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқи катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Бу нутқда баён этилган қоида ва хулосалар партия ва совет халқини КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга сафарбар этмоқда, мамлакат иқтисодий, социал ва ижтимоий ҳаётининг асосий йўналишларини белгилаб бермоқда, партиямизнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик кўриш лозим.

Партия коммунизм сари тадрижий олға томон боришнинг, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг программаси бўлган —янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Совет халқи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини қизғин маъқуллади. Бу — КПССнинг СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган раҳбарлик роли билан узвий боғлиқдир ва совет жамияти ва давлатининг олий манфаатларидан келиб чиққан. Халқ фаровонлиги тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилаётган партиямиз XXVI съезд қарорлари қандай бажарилаётганлигини диққат билан кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ахир янги, КПСС XXVII съездига кўп вақт қолгани йўқ, унга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш лозим.

Съездга тайёргарлик коммунистлар учун эришилган муваффақиятларни яна бир назардан ўтказиш, унга якун ясаш, эришилган ижобий натижаларни актив мустаҳкамлаш давридир. Айни пайтда камчиликларни холисона таҳлил қилиш, янги, катта вазифаларни ҳал этиш давридир.

Партия ва халқ фаолиятининг бош соҳаси— экономикадир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети коммунистлар, барча меҳнаткашлар эътиборини хўжаликнинг туб проблемаларига қаратмоқда. Уларни ҳал этиш эса беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, биз беш йилликнинг ниҳоятда масъулиятли маррасига чиқиб олдикки, бунда энди ойлар ҳисобига олинмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорлари меҳнаткашларнинг ташаббусини ва ижодини кенг тус олдириш тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. СССРнинг сиёсий асоси, социалистик қурилишнинг қудратли қуроли—халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш бу борадаги катта резервлардандир.

Советларнинг катта имкониятлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари составида ҳам яққол кўриниб турибди. 500 депутатдан 310 нафари ишчи, 180 нафари хизматчидир. 349 нафари шаҳар хўжалигининг турли тармоқларида ишламоқдалар. Совет органларида — 43, партия органларида—34 нафари ишламоқда. 233 депутат КПСС аъзоси ва аъзолигига кандидат, 267 нафари партиясиз, шу жумладан 135 нафари ВЛКСМ аъзоларидир. Депутатлар орасида 247 хотин-қиз бор. Депутатларнинг миллий составини кенг.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ривожланган социализм шароитларида Советлар фаолиятининг асосий йўналишларини чуқур таҳлил этиб, партиявий таъсир этишнинг барча методларидан фойдаланиш, иш самарадорлигини ошириш, ҳар қандай юзакичилик ҳолларига барҳам бериш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бу —шу куннинг талабидир. Барча партия комитетларига ва депутат-коммунистларга шундай талаблар қўйилмоқда, улар орқали партия Советларда ўз раҳбарлик ролини амалга оширмоқда.

Социалистик демократияни янада ривожлантириш меҳнат коллективлари ролининг ошиб бориши билан узвий боғлиқдир. Партия ва Совет давлати меҳнат коллективларига улар зиммасига юкланган вазифаларни бажаришлари ва ўз ваколатларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан ҳаяжонли учрашуви буни яна бир марта яққол кўрсатди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиямизнинг режа ва мақсадларини амалга оширишга ўзларини шахсан дахлдор деб ҳис этиб, ўртоқ К. У. Черненконинг «Меҳнат тўғрисидаги гап-сўзлар эмас, балки айнан меҳнатнинг ўзи, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат инсон сиёсий онглилигининг энг синалган мезонидир», деган фикрига қалбан қўшилмоқдалар.

Ўзбекистон, республика пойтахти меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, СССР Олий Совети сессиясининг қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. 21 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кунидаги иш якунлари бунинг ёрқин далилидир. 9700 меҳнат коллективи— бригада, участка, смена, цехлар ва бутун-бутун корхоналар тежалган энергия, материал ва хомашё ҳисобига ишладилар. Шанбалик қатнашчилари тушган маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Шаҳримиз меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик давлат планини муддатидан илгари, 27 апрелда бажардилар, планга қўшимча 30 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнаткашлар активлиги, меҳнат коллективлари роли ошганини кўрсатадиган муҳим белгидир, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми уларнинг кучғайратларини қайси соҳаларга қаратиш зарурлигини белгилаб берди. Бу — ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифатини ошириш, илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш, янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш учун қатъият билан кураш олиб боришдир. Бу— Озиқ-овқат программасини амалга оширишдир. Бу —моддий, энергетика, меҳнат ва молиявий ресурсларни иқтисод қилишдир. Бу — совет халқлари дўстлигининг, уларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашувининг моддий асоси — СССР халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга ҳар бир республика қўшаётган ҳиссани бутун чоралар билан кўпайтиришдир.

КПСС Марказий Комитети Пленуми халқ хўжалиги ва социал вазифаларни ҳал этишда барча раҳбарлар, министрларнинг роли ва масъулиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ҳозир халқ хўжалигини бошқаришнинг системаси ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда, иқтисодий фаолиятнинг янги форма ва структураси кенг миқёсда изланмоқда. Ишнинг бу муҳим йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, партия айни пайтда бошқаришнинг шу пайтгача мавжуд бўлган йўлларидан янада самарали фойдаланишдан чалғимаслигимиз лозимлигини уқтирмоқда. Пленум катта эътибор берган маъмурий аппаратни қисқартириш масаласи ҳам шу билан узвий боғлиқдир.

Апрель ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси 1984 йил биринчи кварталида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилиш якунларини ва биринчи ярим йиллик планини бажариш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини кўриб чиқди. Унда таъкиланишича, биринчи кварталда кўпчилик кўрсаткичлар бўйича планлар бажарилди, саноат маҳсулотларини кунлик ўртача ишлаб чиқариш 3 миллион сўмга ошди, квартал планига қўшимча салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шу билан бир қаторда давлат олдида қарздор бўлиб қолган корхоналар бор.

Белгиланган планларни бажариш меҳнат коллективларини активлаштиришнинг резервларидан янада тўлароқ фойдаланишни, уларнинг ташаббусини янада яхшироқ рағбатлантириш ва йўналтиришни талаб этади. Социалистик мусобақа меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг самарали формаси ҳисобланади. Унда республиканинг 4,8 миллиондан зиёд меҳнатчиси иштирок этмоқда.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули янада кенгайиши ишлаб чиқаришни бошқаришда коллективлар ролини оширишга ёрдам бермоқда. Бу эса корхоналар иш самарадорлигини оширишнинг, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш ва уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг муҳим йўналишидир. Бригадаларга Ўзбекистон саноати ишчиларининг ярмидан кўпроғи бирлашган.

Ҳар бир коллективнинг бевосита бурчи, унинг маънавий етуклигини кўрсатадиган мезон — ҳаётда учраб турадиган сарқитларга қарши, ичкиликбозлик, безорилик, таъмагирликка қарши муросасиз курашишдир. Коллектив кучидек кишиларга маънавий таъсир кўрсатадиган қудратлироқ куч йўқ. Бу кучдан янада тўлароқ фойдаланиш лозим.

Шу йилнинг 4 майида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми якунларини ва Пленум қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидан республика партия ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифаларни ҳар томонлама муҳокама этди. Пленум республиканинг иқтисодий ва социал ҳаётини таҳлил этиб, халқ депутатлари Советлари, барча меҳнат коллективларининг ана шу вазифаларни ҳал этишдаги муҳим ролини таъкидлаб ўтди.

Мактабни ислоҳ қилишни амалга оширишда актив иштирок этиш ҳар бир коллективнинг шарафли ишидир.

Шаҳримизда халқ маорифи системаси ривожлангани ҳақидаги фактлар бундан яққол далолат бериб турибди. Тошкентда революциягача бор-йўғи 35 та мактаб бўлиб, уларда 3426 ўқувчи бор эди, холос. Уларга 91 ўқитувчи дарс берарди. Ҳунар-техника билим юртларида эса 28,3 минг киши ўқирди. Ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқувчилар сони 53,5 минг кишига етди. Олий ўқув юртлари студентлари сони 160 минг кишига етди.

Ислоҳ қилиш умумтаълим ва ҳунар мактабларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, улар фаолиятидаги нуқсонларга барҳам бериш, ўқувчиларнинг фан асосларини ва кўникмаларини янада тўлароқ эгаллашларини таъминлаш, уларда мустақил ва коммунистик эътиқодни шакллантиришга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, СССР Олий Советининг сессиялари, совет кишилари ленинча тенгсизлик тўғрисидаги тезисларига мутлақо жиддий ва жиҳатдан раҳбарлиги остида кенг ва изчил равишда амалга ошираётган ленинча қарорларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этмоқда, коммунистик жамият қурилишининг улуғвор йўлларини янгидан-янги зафарлар билан эришадилар, деб ишонч билдирди.

Партиянинг кейинги съезд ва конференция қарорларида асосий вазифалар сифатида белгилаб берилган ленинча тинчлик сиёсатига садоқат КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ҳужжатларида яна ҳам бор ўз ифодасини топди.

Совет кишилари империализмга қарши, тинчлик ва демократия ва социализм учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ғоясини 1 Майни зўр кўтаринки руҳ ва ғайрат билан кутиб олдилар.

9 май— Ғалаба куни. Бу биз Улуғ Ватан уруши йилларида Совет халқининг мисли кўрилмаган жасоратини бир бор ёдга олдик. Она-Ватанимизнинг шон-шуҳратини мустаҳкамлаш ва ошириш учун курашда қалок бўлган инсонлар хотирасини эъзозлаймиз.

Келгуси йили улуғ Ғалабага 40 йил тўлади. Совет кишилари фашизмга қарши жанг қилиб, ўз она-Ватанини ҳимоя қилганларида тенгсиз қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатганларида ўйлаган эдилар. Бу тиятмиз, халқимиз тинчлик ва келажагини ҳимоя қилишга ҳамиша содиқ бўлиб келдилар, содиқ бўлиб қоладилар. Биз учун тинчликни ҳимоя қилиш социализмни ҳимоя қилиш, бутун инсониятнинг келажагини ҳимоя қилиш демакдир.

Совет кишилари ўз ўртоқ режалари ва интилишларини коммунистлар партияси билан боғлайдилар. Улар партия ва халқнинг мустаҳкам бирлиги барча ғалабаларнинг гаровидир.



Ҳозирги кунда шаҳримиздаги ателъеларнинг коллективлари ҳам серқуёш диёримизнинг шонли юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун барча коллективлар қаторн самарали меҳнат қилишмоқда. 29-моддалар ателъесида ана шу ҳаракатнинг илғорлари кўпчиликни ташкил этади. Л. Жаъфарова шундай илғорлардан саналади. У бу ерда аёллар либоси бичиқчиси сифатида катта ҳурмат-эътибор қозонган.

СУРАТДА: социалистик мусобақа ғолиби Л. Жаъфарова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЎҚУВЧИ ОШХОНАГА КЕЛДИ...

МАКТАБ ИСЛОҲИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИ ХУСУСИДА ЎЙЛАР

Мактаб ислоҳи ўртага қўйётган вазифалар билан бевосита ёки билвосита боғланмаган халқ хўжалиги тармоғини топиш қийин. Бу умумий овқатланишга ҳам бевосита боғлиқ. Таълимнинг самарадорлиги оширилиши ўқувчилар овқатланишини оқилона ташкил этишни талаб этади. Тошкентда бу масалада аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилаяпти. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликда мактаблардаги ошхоналар тармоғи 72 процентга кўпайган бўлиб, бу юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Шаҳардаги 259 та ўрта умумий таълим ўқув юртидан 249 таси умумий овқатланиш тармоғига, 155 таси замонавий лойиҳалар асосида қурилган ошхонага эга. Хизмат кўрсатишнинг истиқболли формалари жорий этилиши, ярим тайёр масаллиқлар миқдори кўпайтирилиши, механизациялашган линиялар яратилиши иссиқ овқат билан таъминланаётган ўқувчилар сони бирмунча кўпайишига имкон берди.

Ота-оналар овқатланиш учун олдиндан ҳақ тўлаб қўядиган узайтирилган кун группалари янада ривожланди. Бундай болалар икки марта овқатланишади, дастурхон тузатиш, идишларни йиғиштириб олишда ўзлари қатнашишади. Кузатишларнинг кўрсатишича, бундай группалардаги ўқувчилар интизомли ва яхши ўзлаштирувчи бўлишади. Болалари кузатув остида бўлганлиги сабабли ота-оналар ортиқча ташвишдан холи бўлишади.

Ўқувчилар овқатланишини такомиллаштириш йўллари жуда кўп. Лекин бугун улардан бири ҳақида тўхталиб ўтишни истаймиз. Гап ўқувчиларнинг ота-оналари ишлайдиган корхоналар, ташкилотлар орқали ўқувчилар овқатланиши учун олдиндан ҳақ тўлаб қўйиш ҳақида боряпти. Бир синфда ўтказилган эксперимент яхши натижа берди. Тажриба қуйидагича ўтказилган эди. Барча манфаатдор томонлар — ота-оналар, улар ишлайдиган саноат корхоналарининг раҳбарлари келишуви асосида — бутун ўқув йили даври учун мактаб база ошхонасига бир ўқувчи ҳисобига 80 сўм ўтказишди. Шуниси ҳам борки, ана шу сумманинг катта қисмини корхоналар социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди ҳисобидан тўлашди.

Ўтказилган эксперимент таҳлил этилганида ота-оналарнинг меҳнат унумдорлиги кескин ўсганлиги, уларнинг иш сменасига кечикиб келишлари камайганлиги маълум бўлди. Ўқувчилар ўқув йилини яхши баҳолар билан якунлашди. Экспериментни таҳлил этар, унинг қатнашчилари билан суҳбатлашар эканмиз, шундай хулосага келдикки, янгиликдан ота-оналар ҳам, уларнинг болалари ҳам, ишлаб чиқариш ҳам манфаатдор. Ота-оналар кичкинтойлари ҳақида ташвиш чекмай яхшироқ ишлашган. Ўқувчилар эса ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътиборни ҳис этиб, ғайрат билан дарс қилишган.

Ваҳоланки, кўпинча ота-оналар кун бўйи ишда бўлиб болалари нима иш билан шуғулланаётгани, тушлик учун берилган пулни қандай сарфлаганини билолмай ташвишланишади. Бундан ташқари болалар саёқ йўлга кириб кетишлари мумкин. Шундай экан, ўтказилган экспериментнинг тарбиявий ишдаги аҳамияти катта. Сир эмаски, айрим ўқувчилар ўзларига берилган пулни кинога ёки кераксиз ўйинчоқлар сотиб олишга сарфлаб юборишади.

Шаҳримизда кўп болали оилалар анча кўп. Корхоналар ва ташкилотлар болалар овқатланиши учун марказлашган тартибда маблағ ўтказганда харажатларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олишлари мумкин. Бу меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, кадрлар қўнимсизлигини сезиларли даражада пасайтиришнинг яна бир омили бўлади. Янгиликнинг ҳаётга тадбиқ этилиши болаларнинг соғлом, кучли бўлиб ўсишларига шароит яратади, албатта.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида сўзлаган нутқида шундай деди: «Энди ислоҳотнинг ғоялари қоғозда қолмай, тўла-тўкис рўёбга чиқиши ҳақида ўйлаш керак. Мактабни ислоҳ қилиш соҳасидаги жамики иш учун мустаҳкам моддий ва ташкилий база яратиш —ҳозирги бош вазифадир. Ўқув жараёнини қайта қуриш ва мактаб ўқувчиларининг меҳнатини йўлга қўйишдан, болалар уйлари ва интернатлар ишида тартиб ўрнатишдан тортиб, ўқитувчиларнинг турмуш шароитларини яхшилашгача кўп нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим».

Ўқувчилар овқатланишининг янада такомиллаштирилиши ана шу ишнинг бўғинларидан бири ҳисобланади. Таклиф этилаётган янгилик бу муҳим ишда ижобий роль ўйнаши мумкин эди.

А. ТОЛИПЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

РЕДАКЦИЯДАН: Бугун ёритилаётган мақолада кўтарилган масала чуқур ўрганиб чиқишга лойиқдир. Ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг таклиф этилаётган формаси шаҳарликларни, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарларини қизиқтириши шубҳасиз. Уйлаймизки, оқшомхонлар бу тўғрида ўз фикрларини билдирадилар.

«Тошкент оқшоми» ёрдам берди

2-Тансиқбоев массивидаги 1, 2, 3, 4, 5-уйларда яшовчи бир группа аҳоли ўз мактубида уларнинг телефонлари анча вақтдан бери улаб берилмаётганини ёзишган эди. Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасидан хабар қилишларича, монтаж ишлари муносабати билан телефонларни улаш кечиктирилган эди. Эндиликда монтаж ишлари тугалланди ва юқоридаги адрес бўйича барча телефонлар ишга туширилди...

* * *

Газетхон Ефремов йўллаган мактубда ҳам шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг айрим ходимлари яхши хизмат кўрсатишмаётганги ҳам этилган эди. Шикоят Бош бошқармага юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, «41-28-08» номерли телефон ноши текширилганда аппаратнинг микротелефон капсуласи шикастланган аниқланди. Ҳозир бу камчилик тузатилди ва телефон яхши ишлаб турибди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ҚОР ЁҒДИ, ИЗЛАР ОЧИЛДИ»

Газетанинг шу йил 21 январь сонида босилган мақолада Уйғур кўчасига асфальт ётқизиш ишлари чала-чулпа бажарилганлиги айтилган эди.

Редакция шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидан олган жавобда ҳақиқатан ҳам «Таштрансспецстрой» трестининг 2-ремонт қурилиш бошқармаси томонидан Уйғур кўчасига асфальт ётқизилганлиги, ҳозир кўчада чуқурчалар кўпайиб кетганлиги ва кўчадаги бузилган асфальтлар ўрнига янгисини ётқизиш ишлари 20 майгача тугалланиши айтилади.

Коммунистик меҳнат тўғрисида

«К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин коммунистик меҳнат тўғрисида» тўплами босилиб чиқди. Унга марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан коммунистик меҳнат тўғрисидаги асосий фикрлар киритилди.

Китоб тематик принципга биноан тузилган, кириш сўзи, изоҳлар ва предмет кўрсаткичи билан таъминланган .У ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш назарияси ҳамда практикасини ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига, партия, совет ва хўжалик ходимларига, пропагандистлар ва партия ўқиши системасининг тингловчилари, олий мактабларнинг студентлари ва муаллимларига мўлжалланган.

Тўплаш сиёсий адабиёт нашриётида босилиб чиқди.

(ТАСС).

Василий Тимофеевич ПОКУТНЕВ



13 майда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири Василий Тимофеевич Покутнев оғир касалликдан сўнг вафот этди.

В. Т. Покутнев 1919 йил 6 январда Кронштадт шаҳрида туғилди. 1942 йилдан буён КПСС аъзоси. 1940 йилда Ленинград артиллерия билим юртини тугатгандан сўнг Совет Армиясида хизмат қилди. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан 1943 йилнинг охиригача Ғарбий фронтда немис босқинчиларига қарши жангларда батарея ва дивизион командири лавозимларида актив қатнашди. Икки марта оғир яраланди. Даволаниб ва Совет Армияси сафларидан бўшаганидан кейин 1946 йилдан Тошкентда ўқитувчилик, 1948 йилдан то умрининг охиригача партия ишида ишлади. Район партия комитетининг инструктори, бўлим мудири, Тошкент саноат область партия комитетининг партия органлари бўлими мудири бўлиб ишлади. Кейинчалик район партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

В. Т. Покутнев 1969 йилдан Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири, 1978 йилдан эса маъмурий органлар бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

В. Т. Покутнев ишониб топширилган барча лавозимларда ўз куч-ғайратини аямай меҳнат қилди, партия сиёсатини амалга оширишда ташаббускорлик, қатъият, изчиллик кўрсатди. Ў ўзига юксак талабчанлиги, принципиаллиги, бениҳоя камтарлиги, оддийлиги, ҳушмуомалалиги билан ажралиб турарди. Кишилар билан муносабатда, айниқса ёш коммунистларга мураббийлик фаолиятида унга сезгирлик, эътибор ва ғамхўрлик фазилатлари хос эди. У ана шу хислатлари билан Тошкент партия ва совет активи ўртасида обрў ва ҳурмат қозонган эди.

В. Т. Покутнев бир неча марта Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг депутати қилиб сайланган эди.

Унинг жанговар ва меҳнатдаги хизматлари эътироф ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. У Октябрь Революцияси ордени, иккита Ленин ордени, Ватан уруши ордени, «Жасорат белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланган. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган эди.

Ажойиб инсон, партия ва халқнинг содиқ фарзанди В. Т. Покутневнинг ёрқин хотираси ҳамиша қалбларимизда сақланиб қолади.

У. У. Умаров, К. П. Дудин, С. И. Иванова, В. О. Козимов, В. Н. Колесников, Т. Н. Набиев, Ф. Н. Назруллаев, Г. П. Стрельцов, С. М. Юсупов, С. Т. Ахмедов, Х. Х. Тошхўжаев, И. Г. Чиженок, Г. Ф. Любимов, Т. Ф. Маришев, В. М. Ковалева, Б. Х. Эргашев.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КИБЕРНЕТИК МАШИНАЛАР

Венгриялик олимлар тилшунослик институти мутахассислари билан биргаликда учта қизиқ кибернетик машина яратдилар. Бу иккитаси венгер тилида, биттаси рус тилида гапирадиган роботлардир.

Ҳозир роботлар экспплуатацияга тайёр турибдилар. Улардан Венгрия Халқ Республикасидаги мактаб ва олий ўқув юртларида венгер ва рус тилларини ўқитишда фойдаланилади. Фан ва техниканинг бу янги ютуғи катта практик фойда беришн мумкинлиги кутилмоқда.



Норвегиядаги Хаммерфест шаҳри узоқ Шимолда жойлашган бўлишига қарамай иқлими анча «юмшоқ». Илиқ сувлар йил мобайнида балиқчилик билан шуғулланишга имкон бермоқда. Шаҳарда 8 мингга яқин киши истиқомат қилади.

СУРАТДА: шаҳарнинг баландликдан кўринишн. НТБ—ТАСС фотоси.

ҒАЛАТИ ТАЖРИБ

Кейинги пайтларда айрим зоологлар зебраннинг териси йўл-йўллигига сабаб уларнинг цеце пашшасининг чақишидан ҳимояланиши туфайлидир демоқдалар. Бу оғир касаллик тарқатувчи пашша кўпинча одамларни, антилопаларни ва бошқа ҳар хил рангдаги ҳайвонларни чақаркан-у, лекин негадир зебранн тинч қўяр экан.

Англиялик зоологлар Зимбабведа қуйидаги тажрибани амалга оширдилар. Улар учта бочкани бирини қорага, иккинчисинн оққа, учинчисинн эса йўл-йўл, оқ-қора қилиб бўялган бочкаларни элвет кигa улаб, ускасига қўйиб қўйишган. Бочкаларга кечки ва эрталабки пайтларда ҳашаротлар келиб, улар фақат сариқ ранг бочкага энг кам келишган. Шундан сўнг олимлар зебранн ўлдирмасдан, унинг сочларини қирқиб олишган. Олимларнинг фикрича, зебранн терисидаги йўл-йўллар ҳашаротларнинг ҳужумини сезиб, ўзини ҳимоя қилиш учун пайдо бўлган.

ҚАРАМЛИКДА ҚУТУЛИШ ЙЎЛ

Саводсизлик Форс кўрфази мамлакатларида жиддий проблема бўлиб қолмоқда. Рейтер агентлиги мухбирининг расмий маълумотларига асосланиб, Бахрайндан хабар қилишича, Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб амирликлари, Бахрайн, Уммон ва Катарда аҳолининг 40 процентдан 60 процентгача бўлган қисми ўқиш ва ёзишни билмайди. «Қора олтин» қазиб қазиш ва қайта ишлаш саноатининг ривожланиши туфайли олаётган шу мамлакатларнинг ҳукуматлари саводсизликни тугатиш зарурлигини деб хабар беради. Бу ишда, ўз соҳасида, ҳукуматларнинг дастурий программаларида ҳам, яқин йилларда саводсизликни тугатиш программаларини амалга оширишга киришганлари сезилиб турибди. Бу ишга кўпроқ эътибор берилаётган Қувайтда ўқиш-ёзишни ўрганиш режалаштирилган. Бу эса, ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда ҳам малакали ишчи кучларига эҳтиёж сезилаётган бу давлатларнинг техникаларга қарамлигини анча камайтириш имконини беради.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

14 МАЙ, 1984 й.

БИЗНИНГ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

АДИБНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА



Абдулла ҚОДИРИЙ

Шу кунларда республикамиз жамоатчилиги биринчи ўзбек романисти, атоқли адиб ва публицист Абдулла Қодирий туғилган кунининг 90 йиллигини кенг нишонламоқда. Олий ўқув юртларида, маданият саройларн ва уйларида, корхоналарда, колхоз ва совхозларда адиб ижодига бағишланган кечалар, китобхонлар конференцияларн, ёзувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг илк қадамларн гувоҳи бўлган, унинг равнақига катта ҳисса қўшган сўз санъаткорларидан бирндир. Ёзувчининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» сингари романлари, ҳикоя, мақола ва фельетонлари адабиётимиз хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилдн. Ўзбек халқининг ўтмиши, унинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги курашн ҳаққонлй, бадний жиҳатдан жонли ва таъсирчан тасвирланган бу асарлар ҳамон севиб мутолаа қилинмоқда.

Урта Осиё республикаларининг кўпгина ёзувчиларн учун бу асарлар маҳорат мактаби вазнфасини ўтади.

Абдулла Қодирийнинг номн асарларн сингари боқийдир. Унинг китобларн СССР халқлари тилларида ва чет тилларда миллионлаб нусхаларда чоп этилмоқда. Кўчалар, мактаблар улуғ адиб номи билан аталмоқда. Ёзувчи романларн асосида кинофильмлар яратилган.

Эртага республика киночилар уйида бўладиган тантанали кеча Абдулла Қодирий туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланади. Унга республикамиз адабий жамоатчилиги, маданият арбоблари, ёзувчи ижодн мухлисларн тўпланадилар.

Қуйида эълон қилинаётган материаллар ҳам Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Дил сўзлари

Катта санъаткор, ажойиб инсон

...Қодирий романларн бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилигн мактабларн бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди.

Евгений БЕРТЕЛЬС.

* * *

...Менинг ўзим ҳам Толстой дан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасам, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар»нни, «Қозоқ қизи»нни, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»нни, «Меҳробдан чаён»нни ўқиб, шулардан ибрат олмасам «Дадил қадам»нн бошлай олмаган бўлардим.

Берди КЕРБОБОЕВ.

* * *

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романн менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илҳом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳақида роман ёзиш ништёқн туғилдн. Катта ишт билан «Қисмат» романим устида иш бошладим.

Хидир ДЕРЯЕВ.

* * *

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) йигирманчи йиллардаги бутун совет туркий тиллар адабиётн бадний прозасининг энг зўр устасидир... Унинг романларн 1920-йилларда, гўё текис сахрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандек пайдо бўлдн. Қодирий асарларини Қурмонгозн ёки Чайковский куйларини тинглаган дек дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан, киши.

Мухтор АВЕЗОВ.

* * *

Абдулла Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эдн.

Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилида унинг халқининг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романларн ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди.

ОЙБЕК.

* * *

Абдулла Қодирий камтар, салобатли, жасоратлн, тўғри сўз, ўз фикрини дадил айта олувчи, ёшларни жуда ҳурмат қилувчи, ёш ёзувчилар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашувчи эдн.

УЙҒУН.

МИРТЕМИР

Шингил эсдаликлар

Йигирманчи йилларнинг ўрталари эди шекилли, мен Тошкентда Ўлка ўзбек эрлар билим юртида ўқир эдим. Дарсдан сўнг юқори синф талабаларига эргашиб, шаҳардаги биронта кутубхонага борардик. Атоқли икки кутубхона бор: бири ҳозирги «Навоий» кутубхонаси («Публичная библиотека»), ўзгаси Эски шаҳардаги «Турон» кутубхонаси. Озарбайжон ва Татаристонда нашр этилган китоблар ўша вақтда ҳам кўп бўларди. Абдилла Шоиқ, Ўрдубодий, Олимжон Иброҳимов, Фотиҳ Амирхон, Тоқтош ва ҳоказо... Қўлга тушганини қўймай ўқиб чиқардик. Ташналик. Ўша кунларда тўсатдан «Ўтган кунлар» майдонга келди. Бу романнинг нашр этилиши чақмоқдек таъсирли бўлгани эсимда. Ҳамма ўқиган сн келар, лекин бутун бир мактабда бир нусҳа, у ҳам қайсидир ўқитувчиники...

Дарс вақтида, кун шувоқда юқори синф талабаси (мактабни ўша йили битирувчилардан) менинг ҳамқишлоғим Рауф Бойжонов бирнима ўқиб ўтирганига кўзим тушди. Танаффусда бориб муқовасидан дарров билиб олдим: «Ўтган кунлар». Ўша дақиқадаёқ ўтина бошладим: «Сиздан кейин ўқиб олсам майлими?» У ноилож бошини кўтариб, жилмайиб қўйди: «Рўйхатга ёзил. Мендан кейин ёзилиб қўйганлар кўп!» Мен навбатга ёзилдим. Биров дарсга кирмай кундуз ўқиса, биров кечаси ўқир эди. Бир ойдан кейин менга навбат келди. Мен Жавлон Раҳмон, Илёс Фозил (ҳозирги атоқли ҳаким)дан кейин ўқидим. Китоб анча эскн қолган эди. Барибир берилиб ўқидим, берилиб ўқидим... Бутун билим юрти ўқиб чиққан эди. Ҳамма ўша романдан бир нусҳа олишга интиқ эди. Биринчи ўзбек романи туғилган эди-да!

Кейин мен ҳам ўша романга эга бўлдим. Бир нусҳа қишлоққа олиб бордим. Энг хушвақт кунларимда ҳам, энг нохуш кунларимда ҳам ўқиганим-ўқиган...

●

Нима бўлди-ю, Усмон Носир билан Абдулла аканинг ҳовлисига бордик. Мен «Аждар» деган поэмани кўтариб борганим эсимда. Усмон Носир шеърларини кўтариб борганди. Абдулла ака бизни очиқ юз билан, ўта самимий қарши олди ва ҳовли ўртасидаги сўрига (қўшк) эргаштириб борди. Ҳовли кўм—кўк, гулли, мевали — салқин. Усмон гапга уста ва дангал эди. Чой устида ёдаки шеър ўқий кетди. Суҳбат устига Аъзам Айюб келди, у ҳам жимжит қулоқ солар эди, баъзан юзи ёришиб кетар, чиройли кўзларида ва юмалоқ буғдой ранг юзида ним кулги ёруғлик сочар эди. Абдулла ака: «Кўп ўқинг, ука!» деди Усмонга...

●

Абдулла Қодирий жаҳон билгич, жаҳон камтар, хушсуҳбат ва бор-йўғи бутун саҳийси ва сиймосидан аён, бир гаплик, ўзига ўта ишонган, забардаст қаламкаш эди. Сочлари бароқ-бароқ, бўйнига тушиб юрганида ҳам кўрганман. Оддий кийинар эди, бутун адабиётимиз учун куйинар эди...

1974 йил.



Адабиёт ва Санъат



ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Кичик рассом Сурайёга

У чизган осмонининг кўк булутлари,
Худди учаётган қушга ўхшайдир.
Ерда бир одобсиз боланн кўрса,
Хафа бўлар, йиғлашга шайдир.
Унинг булутлари йиғлар эканлар,
Кўз ёшларн япроқ бўлиб узилар.
Япроқ — томчиларга дуч бўлган
гулнинг,
Чарақлаб кулганн бирдан сезилар.
Қуёшнн онага ўхшатиб чизар,
Шамол тавсирига топадн бўёқ.
Жажжи дунёсига қайратим ошар,
Қийин саволнга дуч келганим чоқ.
Ҳар кимнинг фарзандн ўзига азиз,
Оддийдан оддийроқ, лек меҳрн
буюк.
Олти ёшли қалбнинг сезгиларнин,
Авайлаб ўстирмоқ қандай оғир юк.
Кўрқаман мен унинг сезгирлигидан,
Қачондир... нўпларнинг севнич, аламн
Унн ҳам ўзига қнладн шерик
Азобга чулғанар нозик қаламм.
Кўрқаман, топширнб умрнн қаламга,
Ором, ҳаловатдан кечмоқлигидан.
Кўрқаман безовта, туғёнли қалбнм
Қизим вужудига кечмоқлигидан.
Куюнчк, суюнчк қўрқмаи...

* * *

Олов бериб қўйиб ўзи ўзига,
Куйиб кул бўлолмай қийналар қуёш.
Мен-чи, мен қандайин кулга айланай,
Сўнмаса багримни ўртаган оташ.
Мангулик ғамларни багрига жойлаб
Бир ойдин тун излаб кўкда кезар ой.
Менинг ҳасратларим ойникидан кўп,
Туйғулар кўкида кезсам бормн жой!
Қалбларнинг олочнн кўксимга
жойлаб,
Қуёшга айланиб кетаман бир кун.
Дунёнинг армонни ичимга ютиб,
Ойнинг ўлкасига ўтаман бир кун.
Йўқ, воз кечгум ою қуёшдан ҳам,
Тафтн камднр менинг ҳароратимдан.
Кулгулар тўкилар менинг оҳимдан,
Қон сирқираб турар жароҳатимдан.
Ярадор-ку, ахир, юрагим менинг,
Давоси оқ-ойдин қўшиқлар балкнм.

Мен энди осуда яшай олмайман,
Шоир бўлмасликка йўқ энди ҳаққим!

* * *

Мен багримнн орзулардан
лола этмоқ истасам
Қон тўлдириб маломатнинг
оғир санги яшайди.
Кун бирла тун орасида
мангу талаш икки ранг,
Менинг бнтта қалбим аро
минг қалб ранги яшайди.
Қўй дедилар, куй дедилар,
севги умр эвазли,
Яшаб турсам бу тан аро
нишнинг жанги яшайди.
На тилак тенг, на юрак тенг,
бу кенг олам саҳнида,
Юрагимнн эзиб-эзиб
бўйим тенги яшайди.
Дардларимни дафтар қилиб
тутсам жаҳон аҳлига,
Сабаб бўлдн бўҳтонларга,
сўқир онги яшайди.
Губорлардан холи бўлиб,
яшамоқлик толеъ бўлиб,
Уйғонажак саҳарларнинг
қай кун тенги яшайди...

* * *

Мен тугаб ногаҳон қулаётган чоғ,
Узоқдан мени деб тўсиқлар оша
Етиб вужудимни сувса бир тог,
Кўзларимни очсам, сен бўлсанг-ўша!
Сен бирор ҳамдардга интнқу ташна,
Ўртансанг ҳасратинг тоша ва тоша,
Кимдир етиб келса, сен кетсанг
яшаб,
Кўзларимгни очсанг, мен бўлсам —
ўша!

ТЎРТЛИКЛАР

Қўй, менинг қўлимга тақмагил узук,
Олтин ошиқолмас унинг кўркини.
Юпаман, отаман, ташлайман узиб,
Ва бермасман бармоғимнинг
эркини!

* * *

Тинмайин чизиқлар чизади қизчам,
Митти қўлчаларн зўрга келтириб.
Унинг қўлидаги варақ юзига
Порлаётган қуёш келади тушиб...

Хосият Бобомуродова — 1950 йилда Самарқанд область Хатирчи районида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. «Дарёдан қатра», «Турналарим» шеърий китоблари муаллифи. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Навоий область бўлимининг масъул котиби.

Хосият БОБОМУРОДОВА.

ТОМОШАБИНЛАР МАМНУН

Музейда 1979—1984 йилларда қабул қилинган Ғарбий Европа, Шарқ мамлакатларн ва рус халқларининг санъатига оид асарлар кўргазмаси очилдн. Унда Япония, Ҳиндистон, Хитой, Монголия, Вьетнам, Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар, шунингдек рус амалий санъат усталарининг 200 дан ортиқ асарларн намойиш этилаптн.

XIX—XX асрларда чинни, чўян, ёғоч, нпак ва бошқа материаллардан ишланган санъат асарларн ўзининг нафислиги, миллий руҳга эгалиги ва юксак санъаткорона яратилганлиги билан томошабинларни мафтун этмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи ходими.

• *Маданият хабари*

«МЕН XXI АСР ДУНЁСИНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАМАН?»

Болалар ижолари ва расмлари халқаро конкурси ташкилотчиларининг бу саволига республика санъат мактабининг тарбияланувчилари ва Тошкентдаги 188-мактаб ўқувчилари жавоб қайтаришди. АҚШда ўтказиладиган конкурс—виставкада қатнашиш учун бешта ижшо ва йигирма бешта расм танлаб олинди.

Болалар ўз жонажон диёри тўғрисида, ота-оналари тўғрисида, совет халқининг тинчликка интилиши ҳақида зўр меҳр билан ҳикоя қилдилар. Расмлар «XXI аср богида», «Космик симфония», «Денгиз тубининг ўзлаштирилиши», «Биз мактабга учиб борамиз» деб аталишиёқ болалар ўзлари яшаётган асрни қандай тасаввур қилишларидан далолат беради. Расмлар ҳар хил, лекин уларнинг мазмуни бир: бўлғуси аср бугун бошланмоқда. Ҳозир бошланади. Одамлар тинч осмон бўлиши учун барча ишларни қилишлари зарур, одамлар тинчликда яшашлари — ижод қилишлари, бунёд этишлари, табиатни авайлаб-асрашлари, боғлар барпо этишлари керак.

Ҳар йили Ўзбекистондан Европа, Осиё, Африка, Америка мамлакатларига болалар чизган 300 дан кўп-роқ расм жўнатилади. Кейинги 3 йил ичида Ўзбекистонлик болалар чизган расмлар Испания, ГФР, Ҳиндистон, Монголия, Никарагуа, Шри-Ланка, Венгрия ва бошқа мамлакатларда намойиш қилинди.

Бу йил ёш рассомларимизнинг асарлари Перу, Эфиопия, Португалия, Греция, Нидерландия ва Австралияга юборилляпти.

(ЎзТАГ).

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб томошабинлар учун ёш рассомлар билан ижодий учрашувлар ўтказилмоқда. Тасвирий санъат бўлимидан ёш мусаввирлар яратган асарлар учун алоҳида зал ажратилган. Бу ерда ўнлаб ёш мўйқалам усталарининг асарларн намойиш этилаптн. Музей ходимлари «Ёш рассомлар ижоди» мавзусида суҳбат ҳам тайёрлашган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотн лауреатлари Рўзи Чормев, Жавлон Умарбеков, Марат Содиқовлар билан бўлган учрашувлар айниқса қизғин ўтди. Томошабинлар бу рассомларнинг бугунги кундаги ижод фаолиятн, режалаб кетар эканлар, бир нарса эсларига келиб қолса, вақтни ўтказмай дарҳол ёзиб қўяр эканлар. Бу ёзувчиларга хос одат.

Уша вақтда «Муштум»нинг ўқувчилари кўп эканлигини яхши билардим. Абдулла аканинг ҳар хил мазолар билан ёзган фельетонлари, ҳажвиялари ўша вақтдаги иллатларни фош қилишда катта роль ўйнарди...

1968 йил.

ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейн залларн бир қатор янги асарлар билан бойидн. Яқинда Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Покистонлик қўшиқчи», Наждда Кашнинанинг «Лайли ва Мажнун», Зинаида Ковалевскаянинг «Бибихонимда баҳор», В. Охуновнинг «Севги афсонаси», В. Зиёевнинг «Соқинлик», Б. Жалоловнинг «Қиш манзараси», А. Мирзаевнинг «Ёш олма ҳақида қўшиқ» ва «Автопортрет» асарлари намойишга қўйилдн. Бу асарларда республикамиз рассомларининг ижодий ютуқларн ўз ифодасини топган.

БИЛДИРИШ

Лекция пропагандасида пропагандаларнинг техника воситаларини қўллаш методикаси факультетн тингловчиларн диққатига.

15 май соат 17 да Лекторлар уйида (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 13) «Диапозитивларни мустақил тайёрлаш методикаси» мавзунда лекция ўқилади. Лектор — Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси методика бўлимининг мудири С. Ситникова.

Диапозитивларни тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар.

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати Тошкент университети тингловчилари диққатига (халқаро мавзуларда ўзбек тилида лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультетн).

16 май соат 17 да «Билимлар уйи»да «Ислом ва ҳозирги босқичда миллий-озодлик ҳаракати». Лектор фалсафа фанларн кандндати— А. Масалиев.

Иккинчи лекция — «Ливандаги воқеаларга доир». Лектор — тарих фанларн кандидати И. Ҳакимов.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми
14 МАЙ, 1984 й.

Ҳабиб НЎЪМОН

ҚОДИРИЙ ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

Абдулла ака «Муштум» журналининг котиби бўлиб ишлаган йиллар эди, мен ўша вақтда 12—13 ёшар боламан. Абдулла ака ишлаган Самарқанд дарвозага яқин Сузук—эски маҳалласида яшар эдим. Ўша пайтларда одамлар энди-энди газета, журналларга қизиқиб қарайдиган, воқеликларни ўқиб тушуна ва муҳокама қила бошлаган давр эди. Маҳаллаламизга «Муштум»нинг янги сонн келиб қолса кўлдан-кўлга ўтар, тўп-тўп бўлиб ўқишардн. Мен ҳам бир чеккада қулоқ солардим. Журналхонлар ичак узилгудек бўлиб қотиб-қотиб кулишарканлар, «Ооббо Жулқунбой-ей» деб қўйишарди.

Бир кунн (1925 — 26 йиллар бўлса керак) эрталаб Чорсу томонга кетаётган эдим, Абдулла аканн кўриб қолдим. Чамаси у кишн тинчроқ жойга кетаётган бўлсалар керак. Кетларидан қадамбақадам боравердим. У кишн бир хилда қадам босиб, ҳеч қаёққа қарамай кетар эдилар. Андижон маҳалласига етганда (ҳозирги Мирлар маҳалласининг ярмн Андижон маҳалласи эди) муюлишда бирдан тўхтаб қолдилар. Орқаларида бораётиб мен оз бўлмаса туртиб кетаёздим. Енларидан блокнот олдилар-да, тез-тез бир нарсаларни ёзиб, ўзларича мамнун илжайиб қўйдилар. Орқаларидан эргашиб Чорсугача бордим. У кишн трамвайга ўтирнб кетарларига, мен ўз юмушимга кетдим. Энди билсам, улуғ адиб юрган йўлларида ҳам ўйлаб кетар эканлар, бир нарса эсларига келиб қолса, вақтни ўтказмай дарҳол ёзиб қўяр эканлар. Бу ёзувчиларга хос одат.

Уша вақтда «Муштум»нинг ўқувчилари кўп эканлигини яхши билардим. Абдулла аканинг ҳар хил мазолар билан ёзган фельетонлари, ҳажвиялари ўша вақтдаги иллатларни фош қилишда катта роль ўйнарди...

1968 йил.

ДАДАМ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Бог ҳовлимиз чеккасидан шарқираб сув оқиб ўтеди. Дадам баъзан бўш чоғларида, кун билан шу ариқ бўйида ўтириб сувга оёқларини чархпалак — айлантириб (биз буни «чарх-тўқир» деб атардик) юқорига бир ғалвир ўрнатиб ва уни чархпалак ўқига қайиш билан бириктириб, айлантириб ва яна кичкина-кичкина пойқуфчалар қуриб юргазиб қўяр эдилар. Бу «тақа-тўқир» куни билан қизиқ-товуш чиқариб ётганн-ётган эдн. Кечқурун эса, уйку берган кунидан уни тўхтатиб қўяр эдик. Мен, дадамнинг бу эрмак ўйинларини эсласам, Лев Толстойнинг «Кавказ асири» ҳикоясидаги Жилкин саргузаштини эсга келтирлайман.

●

Дадам деган эдилар: «Ёш чоғларимда, кузда, тўзумдан хум-хумни пишираркан-да, «кўкламда ер-ер» деб бир ҳумча ошхонанинг бокка кўмиб, ёзда сархаркга кўчиб тушаркан. Эрта баҳор бог-ҳовлиларга чиққанда, ишлаб-ишлаб очиққач, ҳовлининг ўзида чой қайнаб, нон ва ҳалиги кўланган шинни билан ёнғинчилик қилиб ичардик. Баъзан, дадамизнинг бўлғанимизни ёки кам пиёла олаётганимизни кўриб қолсалар, ҳумдан шинни солишга ишлаб етишмай қолардн. Шундай чоғларида, дадам, кетмонни ариқда ювиб келардиларда, юзига ҳумчадан шинни қўйиб ўртага қўярдилар ва ундан маза қилиб нон ботириб ердик...».

●

Қўклам эдн. Кечки пайт дадам икков ток солар эдик. Дарвозамиз очилиб беш—олти чоғлиқ ёш йигитлар қатор кириб келишди. Биз иш жойидан туриб баланд овоз билан сўрадик:

— Келинглар, сизларга ким керак?!

— Абдулла Қодирий.

— Бу ёққа кела қолинглар!— деб чақирдилар дадам.

Йигитлар салом бериб келишди, сўрашишди. Дадам иш қилиб, улардан ташриф сабабини сўрадилар. Йигитлар ўзларининг Бешёғочдаги Тошкент Пединститутининг тил-адабиёт факультетида ўқишларини, программада Абдулла Қодирий ижодини ўтишганини, энди, ёзувчининг ўзи билан суҳбат қилиш ниятида келишганини айтишди...

Дадам уларнинг ўқишга қаерлардан келганликларн, нечанчи курсда ўқишларн, адабиётдан кимлар дарс бериши, институтни бирағ, гапга солдилар. Студентлардан бири гап орасида оҳиста сўради:

— Абдулла Қодирийнинг ўзлари уйдамилар?..

●

Акбархўжа амаки ҳикоя қилган эдн:

— Абдулла иккимиз трамвайда борардик. У ёнимизда турган ўрта яшар бир аёлни кўрсатиб деди: «Қаранг бу аёлни, қандай бой кийинган. Аммо, бу кийимлар унн касал холга қўйган, вақтдан бурун қаритган. Негаки, у уччига чиққан чайковчи. Эгнидаги бойлнкларнн топгунча озмунча ёлғон сўзлаганми, виждон сотганми? Қилмишлари фақат дилида эмас, юзида ҳам ўз изини қолдирган, руҳини бод қаритган. Анави содда аёлни қаранг, бунисн балки ундан қарирокдир, аммо, ранги тоза, ғуборсиз, ажинсиз. Чунки, у хотиржам, дили пок бўлса керак...

●

1933—1934 йиллар, иссиқ ёз эди. Бир кун пешин чоқларда Ғози Юнус терлаб-пишиб боғимизга кириб келди. У қизиқчи, ҳазилманд эди. Эшикдан салом-алик ўрнига дадамни қойиб кирди:

— Сен, пул топиб, ақл топмагансан. Бўлмаса, шаҳар ўртасида тайёр яхшн жойлар турганда шу жар-жилғадан уй қилармидинг, иссиқда яёвлаб узоқ юриш осонми?!

Ғози амаки биз билан кўришдн. Дадам кулиб дедилар:

— Тайёр жой олиш осон, аммо осон ишда маза йўқ...

Ғози амакининг терга ботган шойи кўйлагининг орқаси лой бўлган эдн. У кўйлагини ечиб менга узатди:

— Ма, ойингга киритиб бер, ювиб берсин!

— Нима бўлди, Ғози ака, кўйлагингиз лой, — сўрадилар дадам.

— Трамвай тўхтамай сакраб туша қолган эдим, гандираклаб йиқилдим.

Дадам бир турли кулги вазнят олиб дедилар:

— Бу қаричилик аломати, Ғози ака...

— Йўғ-э,— деди Ғози амаки қнқирлаб кулиб, — бу қарилик эмас, ёшлик аломати. Бояги, ёш эмасманми, жоним ичимга сиғмай гилдираб йиқилдим...

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.



БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН СУРАТДА: Абдулла Қодирий ўғли Ҳабибулла билан. 1922 йил.





СУРАТЛАРДА: Г. Ефимочкинанинг «Бухоро» (юқорида) ва А. Мирзаевнинг «Бекободлик чойхоначи» (пастда) асарларидан фоторепродукция.

О. Апухтин фотолари.

СИЗ УЧУН МЕБЕЛЬ!

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигининг

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА
ВА «ТАШХОЗТОРГ»НИНГ 28-МЕБЕЛЬ МАГАЗИНИДА
15—25 МАЙ КУНЛАРИ
МЕБЕЛЛАР

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

БУ САВДО - КЎРГАЗМАСИДАН ҚУЙИДАГИ МЕБЕЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН:

«ТОШКЕНТ» мебель комбинатида ишлаб чиқарилган «ТОНГ» ётоқ мебеллари туркуми;

Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг уй-жой хонаси ва меҳмонхона мебеллари туркуми;

«Узбекпроектмебель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг овқатланиш столлари, бир тумбали ёзув столлари;

Олмалиқ мебель комбинатининг уй-жой хоналари (стенкаси икки хил услуб) — «Берестье» мебеллари туркуми, дам олиш мебеллари туркуми.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, «Мебель» фирма магазини Юнусобод массивида жойлашган (28, 25 трамвайлар, 60 э, 91 э, 71 э автобусларнинг «Универсам» бекати):

«Ташхозторг»нинг 28-магазини Оқтепа майдонида жойлашган.

СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ
ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ҚОЗОҒИСТОН ССРНИНГ КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

ОИЛАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ КЎЧИБ БОРИШИНИ УЮШТИРАДИ

ГРАЖДАНЛАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИ КУНЛАРДА КЎЧИРИЛАДИ:

26 майда — ТЎРҒАЙ ОБЛАСТИГА.

20 июнда — ЦЕЛИНОГРАД ОБЛАСТИГА.

24 июнда — ПАВЛОДАР ОБЛАСТИГА.

Бу колхоз-совхозларга кўчиб бориш истагида бўлган оилаларга бир йўла нафақа тўланади, манзилга етиб боргунча бепул йўл ҳақи ва юкларни бепул олиб бориш билан таъминланадилар, уларга уй-жой майдони берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИХТИСОСЛИГИ БЎЛМАГАН ГРАЖДАНЛАР БУ КАСБЛАРНИ КЎЧИБ БОРИЛГАН ЖОЙЛАРНИНГ ЎЗИДА ЭГАЛЛАШЛАРИ МУМКИН.

Кўчиш учун таркибида камида меҳнатга қобилиятли икки аъзоси бўлган оилалар ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ДУРАДГОР, БЎЁҚЧИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ҲАМДА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР 75 СЎМ (автослесарь, дурадгор, бўёқчи — 30 сўм) СТИПЕНДИЯ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА МАОШНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўзга шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар давлат таъминотида бўладилар.

Улар махсус кийим-бош ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма оладилар ва кириш имтиҳонларида имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юрти қошида вокал-чолғу ва халқ чолғу ансамбллари, турли спорт секциялари, рассомлик, фото ва техника тўгараклари мунтазам ишлаб туради.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШТИРИЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлик гувоҳномаси), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (гувоҳнома), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунларидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 69-уй (1, 1э, 17э, 24э, 102, 63-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси» бекати; 17, 18 троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОКРАНЧИ («С» категорияли ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга 3-класс), **автомашиналар ремонти бўйича** СЛЕСАРЬ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ, СКРЕПЕР МАШИНИСТИ, ПРИЦЕПЛИ ГРЕЙДЕР МАШИНИСТИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОКАРА ҲАЙДОВЧИ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида мажбурий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Слесарь-сантехник, дурадгор (ўқиш муддати 1 йил) ихтисослари бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. Бошқа мутахассисликлар бўйича ўқишга кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида 3 йил ўқийдиганлар кунига 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларнинг ҳаммаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4x5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

СОТУВЧИЛИК—КЕРАКЛИ ВА ФАХРЛИ КАСБ



Бундай касб эгаси ҳамиша самимий ва эътиборли, сезгир ва чаққон, харидорнинг руҳий ҳолатини яхши англайдиган киши бўлмоғи керак.

5-«ТЕХНИКА—ТУРМУШДА»
МАКТАБ-МАГАЗИНИ
(Тошкент шаҳри, Марказ-14 квартали, ЎзССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй)

СИЗЛАРГА СОТУВЧИЛИК ҚАСБИНИ ЎРГАНИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

Мактаб-магазинда ўқиш муддати иш стажига қўшилади.

Машғулотлар тамом бўлганидан кейин ўқувчиларга кичик сотувчи ихтисослиги берилади.

БИТИРУВЧИЛАР «ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бир йил ишлагандан кейин, Тошкент Совет савдоси техникумида кечки ёки сиртқи бўлимларда ўқишни давом эттириш мумкин.


Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат, паспорт, ҳарбий қайд этилганлик гувоҳномаси (йигитлар учун), 3 дона фотосурат (5x6 см.), турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй, соат 9 дан 18.00 гача кадрлар бўлимига. Телефон 91-59-53.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-53).

КЎП ЮМУШНИ БАЖАРИШГА ҚОДИР

«ВЯТКА-АВТОМАТ»



«ВЯТКА-АВТОМАТ» кир ювиш машинасини ишлаб турган пайтида кўришингиз билан ундан воз кечишнинг ҳеч қандай иложи қолмайди.

Машина-автомат сувни керакли температурагача мустақил равишда ўзи иситади;

Кирни чаяди, сувини сиқади, ораста қилади, синкалайди, крахмаллайди, автоматик тарзда ўчади.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА
15 МАЙ — 15 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН
САВДО КЎРГАЗМАСИДА БУНДАЙ АЖОЙИБ
КИР ЮВИШ МАШИНАСИНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Кўргазма иш кунларида «Вятка-автомат» кир ювиш машинасини сотиб олган харидорларга қулай имкониятлар яратиб берилади:

кир ювиш машинаси машинада уйга бепул етказиб берилади ва ўрнатилади;

гарантия муддати уч йилгача узайтирилади;

Савдо-кўргазмаси иш кунларида «ВЯТКА-АВТОМАТ» ишлаб турган ҳолда кўрсатилади, маҳсулотни тайёрловчи «ЭЛЕКТРОБИТПРИБОР» (Киров шаҳри) заводининг вакиллари бу аппаратни ишлатиш юзасидан малакали консультациялар берадилар.

«ВЯТКА-АВТОМАТ» кир ювиш машинасининг баҳоси — 400 сўм.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 33-54-50).

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ТЕЛЕВИЗОРНИНГ РАНГЛИ ЖОЗИБАСИ

ЙИЛ САЙИН РАНГЛИ ТАСВИРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ОШИБ БОРМОҚДА.

«ВИТЯЗЬ-733»

БУ ТЕЛЕВИЗОР ЎЗИНИНГ РАВШАН, КОНТРАСЛИ ТАСВИРИ, СЕНСОРЛИ ПЕРЕКЛЮЧАТЕЛИ, РАНГЛИ КЎРСАТУВНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ, ТАШҚИ БЕЗАГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Бу телевизорнинг корпуси асл навли дарахтларга ўхшаш манзарали пленка билан қопланган. Бу пленка намдан чўчимайди, ёнмайди, механик зарбга бардошли.

«ВИТЯЗЬ-733» ҳам рангли, ҳам оқ-қора тасвирли кўрсатувларни қабул қилади. Экраннинг размери диагонали бўйича 61 см. Унга магнитофон, бошга кийиладиган телефонларни улаш ҳам мўлжалланган. Баҳоси — 720 сўм.

Тайёрловчи — Витебск телевизион заводи.

«ГОРИЗОНТ—736»

Мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири — Минскдаги «ГОРИЗОНТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу рангли телевизорларни тайёрлаб чиқармоқда.

Бу аппарат рангли кўрсатувларни юқори даражада аниқ кўрсатишга қодир бўлиб, тасвири барқарордир, яхши акустика параметрлари бор.

Телевизорнинг бу моделида программаларга ўтиш учун сенсорли переключатель қўлланилган. Қулай сенсорли переключателлар ёрдамида овознинг паст-баланд даражасини, рангларнинг муштараклигини ва тасвирнинг тиниқлигини оҳиста созлаш мумкин.

Баҳоси — 595 сўм.

Ҳар бир киши ўзи истаган кўрсатувни бемалол кўриши мумкин. Бунинг учун хонадонда албатта иккита телевизор, шундан биттаси кўчма портатив бўлмоғи керак.

Кўчма телевизорни исталган жойга, ҳатто ошхонага ҳам ўрнатиш мумкин. У командировкада, шаҳар атрофига саёҳатга чиқилганда, автомобиль сафарида сизнинг муносиб ҳамроҳингиз бўлади.

«ЭЛЕКТРОНИКА—Ц-432» рангли тасвирли кўчма телевизори 12 каналдан исталганида рангли ва оқ-қора тасвирли кўрсатувни бир маромда қабул қилади.

Озуқаланиши такомиллашган (220 вольт кучланишли ўзгарувчан электр токи тармоғидан ва 12 вольт кучланишли доимий электр токи манбаидан қувват олади).

Экранининг размери — диагонали бўйича 25 см.

Баҳоси 470 сўм.



ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ
(телефон 33-54-50).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

душанба

14 МАЙ

● МТ I

18.00 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
18.30 Лирик қўшиқлар.
19.00 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «БАМ. Магистралнинг ғарбий участкасида».
20.00 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
20.15 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якунловчи концерти, Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 «Время».
22.05 «Москва юлдузлари» санъат фестивали концертининг давоми.
23.05 «Ёрдамга боряпман». Телефильм премьераси.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўл жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.10 Концерт.
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Йўл азоби». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун телевизион зонал конкурс. «Ишчи — юксак ном».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва биосфера». Тошкентда ЮНЕСКО халқаро конференциясининг очилишига бағишланади.
20.15 «Ноз-неъмат» бунёдкорлари.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қасос». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
22.30 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Тула ҳақида ривоят». Телефильм.
19.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

сешанба

15 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.10 «Йўл азоби». Бадиий фильм.
11.40 Ғ. Ескалиева куйлайди. Фильм-концерт.
12.05 «Социалистик мамлакатлар пойтахтлари бўйлаб».
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.15 А. Рубинштейн. «Фераморс». Операга ёзилган балет куйлари. Братислава радиосининг симфоник оркестри ижро этади.
16.30 «Бил ва уддала».
17.15 «Купалинка». Фильм-концерт.
17.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.15 «Поэзия». С. Городецкий.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «ЖАСОРАТ АДРЕСИ: ГАЗЛИ». «Коллектив нимага қодир» туркумидан.
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
22.30 Футбол бўйича халқаро учрашув. Финляндия — СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Кострома бўйлаб саёҳат». Телефильм.
11.05 Ф. И. Тютчев ижоди ҳақида кўрсатув.
12.05 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 1-кўрсатув.
12.35—13.05 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
15.20 Илмий-оммабоп фильмлар: «Лавина тепасида турган одам», «Каспий денгизи ёқасида».
15.50 В. В. Маяковский — рассом.
16.35 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Рационал таъминот ва истеъмолчилик».
19.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00—20.30 Жаҳон халқларининг ижоди. Океания халқларининг санъати ҳақида.
20.45 «Тош сувининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Пирогов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Опера театри солистлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Муқаддима». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.40 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Качканар». Телефильм.
19.00 Ўқув программаси.
19.30 Акробатика бўйича ЎзССР биринчилиги. «Ёшлик» спорт аренасидан ёзиб олинган репортаж.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 Ўқув программаси (рус.).
21.30 МТ II

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 15/V ... дузли тунлар.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... РИДА — 14/V да Тошкент ... нозанин маликаси.

кино

14 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМ...
«АЙБДОР» ДЕБ ... СИН» — Чайка ... да, телефон 77-06-20 ... (жуфт соатларда ... 14-59), Тинчлик ... ларда, телефон 58-96...
«БЎРИ УЯСИ» — ... саройи (18.30, 20.45 ... 44-21-74) Ватан (18 ... Нукус (18.30, 20.45 ... 46-70-69), Фестиваль ... 21.40, телефон ... Тошкент Советининг 50 ... ги номли (18, 21.00 ... 78-47-25), Қозоғистон ... 20, 21.00, телефон 35...
«ДОВОНДА ОТИЛ...» — Москва (тоқ соатларда ... лефон 33-05-01), Хива ... телефон 32-78-02) ... (жуфт соатларда, теле... 14-61), Лисунов номли ... соатларда, телефон 98...
«АВИАЦИЯ ХАЗИНАСИ» ... ВЛКСМ 30 йиллиги ... соатларда, телефон 3... Ўзбекистон ССР 25 ... номли (тоқ соатларда ... 53-65-87).

15 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМ...
«АЙБДОР» ДЕБ ... СИН» — Чайка жуфт ... да, телефон 77-06-20 ... (жуфт соатларда, теле... 14-59), Тинчлик (жуфт ... ларда, телефон 58-36...
«БЎРИ УЯСИ» — ... саройи (11, 13.30, 16 ... 20.45, телефон 4... Ватан (12, 15, 18 ... Нукус (11, 13.30, 16 ... 20.45, телефон 4... Фестиваль (ёзги, 21.4... фон 32-78-02), Тошкент ... тининг 50 йиллиги ... 15, 18, 21.00; телефон ... 25), Қозоғистон (11 ... 15, 17, 18, 20, 21.00 ... 35-24-92).
«ДОВОНДА ОТИЛ...» — Москва (тоқ ... телефон 33-05-01) ... (жуфт соатларда, теле... 14-61).
«АВИАЦИЯ ХАЗИНАСИ» ТОМОН ... Ўзбекистон ССР 25 ... номли (тоқ соатларда ... 53-65-87).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш ва шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

14 МАЙ, 1984 й. Р—07236. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10